

5-10-2019

THE MECHANISM OF TRAINING FOR THE LABOR AND PROFESSIONAL ACTIVITY OF PUPILS OF THE ORPHANAGE

Ugiloy Askarova
Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Askarova, Ugiloy (2019) "THE MECHANISM OF TRAINING FOR THE LABOR AND PROFESSIONAL ACTIVITY OF PUPILS OF THE ORPHANAGE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 1 , Article 36.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss1/36>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИ МЕҲНАТ ВА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕХАНИЗМИ.

Асқарова Ўғилой Мамашокировна
НамДУ доценти

Аннотация. Глобаллашув шароитида ёшларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш, тенг ҳуқуқли, эркин фуқаро сифатида камолга етказиш муҳим ижтимоий талаб ва эҳтиёжга айланди.

Калит сўзлар: меҳрибонлик уйи, механизм, тарбияланувчилар, педагогик шарт-шароитлар, тажриба, характер.

МЕХАНИЗМ ПОДГОТОВКА К ТРУДОВОГО И ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ДЕЯТЕЛЬНОСТА ВОСПИТАННИКОВ ДЕТСКОГО ДОМА

Аскарова Уғилой Мамашокировна
Доцент НамГУ

Аннотация. Обеспечение воспитанников детского дома теоретическими знаниями и практическими навыками при подготовке новых профессий и профессий для профессиональной ориентации и профессиональной деятельности.

Ключевые слова: дом милосердия, механизм, воспитанник, педагогические условия, опыт, характер.

THE MECHANISM OF TRAINING FOR THE LABOR AND PROFESSIONAL ACTIVITY OF PUPILS OF THE ORPHANAGE

Askarova Ugiloy Mamashokirovna
Associate Professor at NamSU

Abstract: Providing pupils of the orphanage with theoretical knowledge and practical skills in the preparation of new professions and professions for vocational guidance and professional activities.

Key words: Mercy House, mechanism, pupil, pedagogical conditions, experience, character.

Республикамизда БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) ҳамда болалар ҳуқуқларини амалга оширишга мувофиқ етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, миллий ва жаҳон тажрибаси асосида инновацион тарбия технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, меҳрибонлик уйларида шахсга йўналтирилган тарбия технологияларини кенг татбиқ этиш, “Меҳрибонлик” уйларини ноинституционаллаштириш дастури асосида босқичма-босқич кам комплектли болалар шаҳарчаларига ўтказиш, оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликни олдини олишнинг профилактик тизимини ишлаб чиқиш, тарбиялаш учун оилага қабул қилиш (патронат), шунингдек болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш” каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни педагогик қўллаб-қувватлашнинг фасилитацион тизимини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлигини кўрсатади

Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбияни ташкил этишнинг изчил тизими яратилган ва механизми ишлаб чиқилган бўлса-да, Бироқ бутунги мураккаб шароитда тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг янги имкониятлар-ни ўрганиш, бу жараёнда жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ саналади. Мавзуга оид манбаларни назарий ўрганиш, меҳрибонлик уйлари фаолияти мазмунини таҳлил қилиш, шунингдек, амалиётни бевосита кузатиш натижасида тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш йўналишлардан бири тарбияланувчиларни меҳнат ва касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашдир. Касбга йўналтириш (муайян касб-хунарлар сирлари, касбий фаолиятларнинг асосларини ўргатишдир.

Меҳрибонлик уйлари тарбиячиларини ижтимоийлаштиришда уларга меҳнат ва касбий фаолиятни самарали ташкил этишга оид маълумотларни ҳам бериб бориш педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Ана шу мақсадга йўналтирилган педагогика фаолиятни ташкил этишда тарбияланувчиларга ўзбекона миллий қадриятларга кўра меҳнат фаолиятини ташкил этишда асрлар давомида жамоавий-лик тамойилига таяниб иш кўриб келинганлиги, мазкур тамойил асосида ташкил этилувчи меҳнат фаолиятининг асосий шакли ҳашар эканлигини аниқлаш ҳамда унга нисбатан ижобий муносабатни қарор топтириш лозим.

Тажриба-синов ишлари даврида тарбияланувчиларни бу борадаги назарий билимлар билангина қуроллантириб қолмай, уларда жамоа, яъни ҳашар асосида меҳнат фаолиятини ташкил этиш кўникмаларини ҳам шакллантириш диққат марказида бўлишига эътибор қаратилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари қуйидаги жараёнларда бевосита ҳашарларга жалб этилдилар:

- 1) муассаса ҳудудида кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этишда;
- 2) Меҳрибонлик уйи биноларини жорий ва капитал таъмирлашда;
- 3) муассаса ҳудудида тозалаш ишларини олиб боришда;
- 4) Меҳрибонлик уйи ахборот-ресурс марказида яроқсиз ҳолга келган бадий ва ўқув адабиётларини таъмирлашда;
- 5) умумхалқ ҳашари доирасида муассасада ободонлаштириш ишларини олиб боришда;
- 6) Меҳрибонлик уйи жойлашган маҳалла ҳудудларида оммавий меҳнат фаолиятини уюштиришда;

7) муассаса тарбияланувчилари томонидан экологик ҳаракатни амалга оширишда

Тажриба майдонларида синов ишларини олиб боришда тарбияланувчилар-нинг у ёки бу йўналишлардаги касбий фаолият бўйича қизиқиш ва интилишларга эгаликлари “Характерда касбий хусусиятларнинг акс этиши” номли анкета ёрдамида ҳам аниқланди. Анкета қуйидаги касбий хусусиятларни ўз ичига олган: мустақиллик, ишга ижодий ёндашиш, ташаббускорлик, юқори ақлий қобилиятга эгалик, билимдонлик, ҳаётий тажрибанинг кўплиги, тиришқоқлик, саранжомлик, барқарор диққатга эгалик, ижрочилик, интизомлилик, қатъиятлилик, виждонли-лик, меҳнатсеварлик, эпчиллик, сабр-тоқатлилик, ишчанлик, масъулиятлилик, ташкилотчилик.

Тарбияланувчиларга санаб ўтилган сифатлар орасидан ўз характерига хос бўлган олти хусусиятни белгилаш (яъни “+” белгисини қўйиш) вазифаси юклатилди. Уларнинг ёндашувларига кўра қандай касб ёки ҳунар йўналиши бўйича касбий лаёқатга эгаликлари аниқланди.

Жавобларни таҳлил қилишда қуйидаги очкичдан ҳам фойдаланилди: агарда, тарбияланувчилар 1- ва 4-рақамли сифатларни танлаган бўлсалар, уларда ижодкорлик; 5- ва 13-рақамли сифатларни танлаган бўлсалар, уларда бажарувчилик, ниҳоят, 14- ва 18-рақамли сифатларни танлаган бўлсалар уларда ташкилотчилик лаёқати кўпроқ намоён бўлиши маълум бўлади.

Шахснинг касбий фаолият йўналишини тўғри танлай олиши унга келгусида маълум муваффақиятларга эришиш имконини беради. Шу сабабли тажриба даврида тарбияланувчилар томонидан касбий фаолиятнинг тўғри танланишига кўмаклашиш зарур деб топилди. Бу ўринда уларнинг касбий фаолият йўналиш-ларини танлаш сабаб (мотив)ларига ҳам эътибор қаратилди. Тарбияланувчилар иштирокида ташкил қилинган суҳбатлар, савол-жавоблар, тестлар ва тренинглар қисман улар томонидан касбий фаолият йўналишларининг танланиши сабаблари тўғрисидаги маълумотларни қўлга киритиш имконини беради. Шунга қарамай, синов ишларини ташкил этишда “Касбий танлаш сабаб (мотив)лари” номли тест ҳам қўлланилди.

Тест шартларига кўра тарбияланувчилар берилган саволларга ўзларининг касбий фаолият йўналишларини танлашга бўлган муносабатлари асосида ижобий (“+”) ёки салбий (“-”) жавоб қайтаришлари лозим.

Тарбияланувчиларнинг тест саволларига қайтарган жавобларини таҳлил қилиш улар томонидан касбий фаолият йўналишининг қай даражада тўғри танланганлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу ўринда қуйидаги очкичдан ҳам фойдаланиш мумкин:

Тарбияланувчиларнинг касбий фаолиятга йўналганлигини баҳолаш

Касбий фаолият йўналишлари		
А йўналиш	В йўналиш	С йўналиш
Ижобий жавоб қайтарилган саволлар тартиби		
3, 4, 7, 17, 18, 19, 21, 24	5, 8, 11, 14, 15, 16, 20, 23	1, 2, 6, 10, 12, 13, 22
Касбий фаолият хусусиятлари		
Ижтимоий аҳамиятга эга	Моддий имкониятларга эга	Ижодкорлик хусусиятларига эга

касбга йўналтириш (муайян касб-хунарлар сирлари, касбий фаолиятларнинг асосларини ўргатиш).

“Мен маъқул кўраман” номли табақавий-ташхис сўрови. Тадқиқотни олиб бориш даврида Е.А.Климов томонидан асосланган мазкур табақавий-ташхис сўров диссертантнинг шахсий ёндашувига кўра қисман қайта ишланди. Маълумки, мазкур сўров Е.А.Климов томонидан ўтган асрнинг 80-йилларида асосланган бўлиб, сўров учун ана шу даврда ижтимоий субъектлар орасида оммавий бўлган касб ёки хунар турлари қабул қилинган.

Ушбу асрнинг 90-йилларида жаҳон сиёсий харитасида рўй берган кескин ўзгаришлар натижасида халқаро майдонда ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг кенг кўлам касб этиши ўз навбатида республика ҳаётига касбий фаолиятда янги йўналишларнинг ҳам кириб келишини таъминлади. Бу эса касбий фаолият соҳасида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлганлигини англатади. Шу боис тадқиқотни олиб бориш, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини касбга йўналтириш ва касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда уларнинг янги турдаги касб ва хунарлар бўйича ҳам назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишларини таъминлаш муҳим деб топилди.

Е.А.Климовнинг ғоясига кўра табақавий-ташхис сўровда, асосан, ҳайвонларни парваришлаш, машина ва техник воситаларга хизмат кўрсатиш, ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузиш, турли маҳсулотларга бадий безаклар бериш, ўсимликларни етиштириш, маҳсулотларни сотиш, бадий ижрочилик фаолияти билан шуғалланиш, ижодий фаолиятни ташкил этиш, ёшларга етакчилик қилиш, маиший буюм, жиҳозлар ва уй-жойларни таъсирлаш, ҳисоблаш ишларини юритиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини лойиҳалаштириш, субъектлараро низоларни бартараф этиш, беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, тарихий содисаларни қайд этиб бориш, лаборатория таҳлилари билан шуғулланиш, чизмачилик билан шуғулланиш, сайёҳлик хизматини кўрсатиш ҳамда клавишли машиналарида ишлаш каби касб ва хунар йўналишлари қайд этилган. Муаллифнинг ижодий ёндашуви асосида қисман қайта ишланган сўров ёрдамида эса меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида ижтимоий субъектларга маиший хизмат кўрсатиш, фавқулотда вазиятларда ёрдамга муҳтож шахсларга тезкор ёрдам кўрсатиш, қўриқлаш хизматини ташкил этиш, электор жиҳозлари, компьютар ва мобил алоқа воситаларини таъмирлаш, сайёҳлик фирмалари ва меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш, шунингдек,

ижтимоий лойиҳаларни яратиш каби соҳалар бўйича касбий билимларни эгаллашга бўлган хоҳиш-истак, қизиқиш ва интилишларнинг мавжудлигини аниқланди.

Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида тарбияланувчиларни меҳнат ва касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш имконини берди. Меҳнат ва касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлашда тадбирлар сирасида тренинглар, баҳс-мунозаралар, кичик тадқиқотлар, шунингдек, беллашувларнинг ўрин олганиги тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрликни ифодаладиган амалий кўникма ва малакаларга эга бўлишларини таъминлади.

References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"-gi PF-4947-sonli Farmoni. -O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.
2. Arziqulova D.N. Kasbiy kamolotning psixologik o'ziga xos xususiyatlari: Psix.fan.nom. ... diss. avtoref. - T.: 2002. - 22 b.
3. Asqarova O.M. Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini ijtimoiy hayotga tayyorlash tizimi. \ Monografiya.-T.: " Fan" nashriyoti 2010.-121 b.